O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN SHAHAR DAVLATOBOD TUMAN HOKIMINING

Q A R O R I

Davlatobod t. Islom Karimov ko`chasi

2022 - yil 28 - iyun 295-6-219-Q/22 Davlatobod tumani hokimligi

Қабристонларда гўр қазиш ҳамда маросим хизматлари бўйича гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган “Замонавий архитектура-шаҳар созлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари”нинг 42-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган “Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабрусти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 8, 14-бандларига асосан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Туман ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 30 майдаги 01/111-сонли хати маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги қабристонларда гўр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи миқдори қуйидагича этиб белгилансин:

16 ёшгача бўлган бир нафар бола учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи;

16 ёшдан катта бўлган бир нафар шахс учун базавий ҳисоблаш

миқдорининг 60 фоизи.

3. Тумандаги қабристонларда маросим хизматлари (масалан, маййитни кўтариб олиб келиш, қабрга қўйиш, кўмиш ва бошқалар) бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи (ҳар бир маросим хизмати учун алоҳидадан) этиб белгилансин.

4. Барча ишлаб турган қабристонларда дафн этиш учун жой (участка) бепул ажратилади.

5. Туман ободонлаштириш бошқармаси (Д.Вохисов)га;

қабристонларда гўр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти ҳамда маросим хизматлари бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи миқдорига қатъи риоя этилишини;

ушбу маблағлар тегишли равишда гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун ишлатилишини;

мазкур пулли хизматлар тарифи миқдорини аҳолига етказилишини ва тўғри тушунтирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор **“Наманган садоси”** газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига **(davlatobod.uz**) жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати (О.Нарзуллаев) мазкур қарорни оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилиш ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш чораларини кўрсин.

9. Мазкур қарордан норози шахслар судга ёки юқори турувчи органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари М.Неъматов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Таджимирзаев**